**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

***5111600- Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими***
**бакалавриат таълим йўналишинингмалака талаблари**

**Тошкент-2019**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ №892
"04" 10 2019 йил

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
- Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «17» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5111600- Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.................................................................................... | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси................................................................................ | 4 |
| 1.2. | ***5111600- Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ............................................ | 5 |
| **2.** | ***5111600- Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.................................................................................... | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ...................................................................... | 6 |
| 2.2. | ***5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ........................ | 7 |
| **3.** | ***5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар…............................... | **8** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.................................................................. | 8 |
| **3.2.** | Малакавий амалиётга қўйиладиган талаблар ............................ | |
| 3.3. | ***5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама хажми.................................................................................... | 10 |

## 1. *5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5111600- Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.**Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

–ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

–олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* бакалавриат таълим йўналиши – фан, таълим ва хизмат кўрсатиш соҳаларига боғлиқ йўналиш бўлиб, ўрта,

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатид илмий-педагогик тадқикот ишлари билан шуғулланиш;

Оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, ўрта ва ўрта махсус касбий таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларидаги илмий, методик ва ташкилий фаолиятнинг комплекс масалалари мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. *5111600– Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

***5111600– Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** таълим йўналишибакалаврларнинг **касбий фаолияти объектлари –** миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими жараёнлари, таълим тизими ўқув-тарбия жараёни, ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанларининг назарий асослари, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни, умумий ўрта таълим мактабларида миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанлари, миллий ғоя, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий-тарбиявий муассасаларда, маҳаллаларда маънавий-ахлоқий-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга доир фаолият жараёни.

***5111600– Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

*– ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларидан дарс бериш;*

*– таълим тизимида кабинет мудири, методист, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;*

*– ижтимоий-гуманитар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида илмий ходим бўлиб ишлаш;*

*– ахборот-ресурс марказларида, нашриётларда, оммавий-ахборот муассасаларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;*

*– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш.*

**1.2.3. *5111600– Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

-ғоявий-назарий йўналишлардаги илмий-тадқиқот;

-маънавий-маърифий ва тарбиявий;

-ташкилий-бошқарув;

-илмий-педагогик ва педагогик (ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимида ўрнатилган тартибда).

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин

*Йўналиш бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.*

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

***5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** таълим йўналишини тугатган бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади

### 1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

*5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*5А111601 – Маънавият асослари ҳамда*

*5А111602– Ҳуқуқ таълими* магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

### 2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

-мамлакатимизда амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясининг ғоявий асослари, мақсад ва вазифалари, амалга ошириш шарт-шароитлари ҳамда омиллари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши;*

Миллий ғоя ва мафкура ривожланишининг тарихий босқичлари ва унинг назарий концептуал асослари ҳақида, миллий мафкурада миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, ғоялар хилма-хиллиги ва мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий тараққиётга таъсирини миллий ғоя – Ўзбекистон демократик тараққиётининг муҳим омили эканлигини сингдириш. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси – миллий тараққиётнинг ғоявий асоси эканлиги ҳақида илмий ва назарий масалаларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

Бугунги глобаллашув даврида ахборот макони ва ғоявий мафкуравий курашлар, Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси – барқарор тараққиёт омили эканлиги, миллий ғояни тарғибот қилишда инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳақида назарий ва амалий *кўникмаларга эга бўлиши керак* табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

-инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

-ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

-тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

-янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

-битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

-соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

-таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

-тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

-кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари:**

- **ғоявий-назарий ва маънавий-тарбиявий йўналишлардаги илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

– намунавий методикалар ва бошқалар бўйича илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини умумлаштириш;

– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий-амалий конференция ва семинарлар учун мақола ҳамда маърузалар тайёрлаш;

- республика ва хорижий илмий-оммабоп журналлар учун мақолалар тайёрлаш;

- илмий-тадқиқот муассасалари ва илмий марказларда ғоявий-назарий, маънавий-маърифий ва методологик тадқиқотлар олиб бориш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– мафкура, маънавият ва ҳуқуқ соҳаларига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– мавзу бўйича илмий маълумотларни жамлаш ва тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

- **маънавий-маърифий ва тарбиявий фаолиятида:**

– глобаллашув жараёнларида миллий ва умуминсоний маънавий қадриятлар уйғунлигини таъминлашда миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни борасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– жамиятда ғоявий тарбия ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўмаклашиш;

– маҳаллаларда ҳуқуқий саводхонлик, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича фаолият олиб бориш;

– маънавий-маърифий ишларни режалаштириш, уларни ташкил этиш методикасини қўллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

– ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш методлари ва технологияларидан фойдаланиш;

– миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни намойиш қилиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

- **ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– ғоявий-тарбиявий, маънавий-маърифий тадбир, анжуман ва суҳбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;

– АРМ учун ахборот электрон манбаларини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;

– жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

– фикрлар хилма-хиллиги шароитида тўғри қарор қабул қила олиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятига эга бўлиши лозим.***

• **илмий-педагогик ва педагогик фаолиятида:**

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларининг шаклланиши, мазкур соҳалар бўйича олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш ва улардан фойдаланиш;

– миллий ғоя, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий меросни асраш, манбалар хусусиятларини билиш ва улардан фойдаланиш;

– миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ соҳаларининг жамиятдаги ўрни, уларнинг ҳуқуқий асосларини билиш ва улардан фойдаланиш;

– миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқшунослик тарихига оид манбаларни мустақил ўрганиш ва улардан фойдаланиш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг ўзига хос тузилиши ва услубларини, соҳага оид адабиётларнинг библиографик ҳамда тарихий таҳлилини амалга ошириш, амалда қўллаш;

– жаҳонда юз бераётган замонавий ижтимоий-сиёсий, мафкуравий жараёнларда маънавий-маърифий омилнинг ўрнини аниқлаш ва тегишли хулоса чиқара олиш;

– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш;

– ахборотларни тўғри ишга солиш асосида ўқувчиларда мафкуравий иммунитетини шакллантириш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

**3. *5111600- Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

***5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

***Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:***

***Гуманитар фанлар бўйича:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Табиий-илмий фанлар бўйича:**

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда мураккаб тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги тасаввурларни шакллантириши;

замонавий табиий ходисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий-методологик асосларидан хабардор бўлиши;

замонавий ахборот технологиялари, компьютер тармоқлари, ахборот тизимлари ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши, ахборот хавфсизлиги ва ахборотларни ҳимоялаш усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

ахборот тизимлари, уларнинг қўлланилиши ва вазифалари, электрон ҳужжат айланиши, замонавий мультимедиа тизимлари, ахборот хавфсизлигининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, ахборотларни ҳимоялашнинг техник ва дастурий воситаларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

инсон фаолиятининг тирик организмларга кўрсатаётган таъсирини тўғри англаб билиш, кузатиш натижаларини баён эта олиш, ёзма ҳисобот бера олиш, олинган маълумотларни таҳлили ҳақида тасаввурга эга бўлиши эга бўлиши керак.

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни ўзлаштириши, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

атрофда кечаётган воқеликни фалсафий-назарий мушоҳада этиши;

миллий ғоянинг шаклланиши, унинг тарихий илдизлари ва негизларини ўрганиши, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётини таъминлашда миллий мафкуравий концепциянинг аҳамиятини очиб бериши;

маънавият асослари ва оила маънавияти негизларини илмий таҳлил этиши;

замонавий мафкуравий йўналишлар ва оқимлар фаолиятидан хабардор бўлиши ва уларни холис таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантириши;

геосиёсат асосларини билиши, ҳозирги глобаллашув жараёнида дунёда рўй бераётган мафкуравий тўқнашув ва зиддиятларнинг келиб чиқиш сабабларини очиб бериши;

ижтимоий-фалсафий методологияни ўзлаштириши, глобаллашув асосларидан хабардор бўлиши орқали жаҳон сиёсий-мафкуравий жараёнларини яхлит тизим сифатида ўрганиши ва таҳлил қилиши;

этномаданият хусусиятларига таяниб миллий ғоя тарғиботи технологияларини ўзлаштириши;

Давлат ва ҳуқуққа оид назарий билимларни ўрганиши ва ўқита олиши;

Умумий психология асосларидан хабардор бўлиши ва педагогик фаолиятида уларни қўллай олиши;

педагогик қобилият ва унинг турларини, ўқитувчи шахсига қўйиладиган психологик талабларни билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллай олиши;

ўқув жараёнини ташкил этишнинг метод ва шаклларига қўйилган замонавий талаблар, педагогик технологиялар таснифи ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

миллий ғоя ва педагогик тамойилларга асосланган ҳолда ўқув-тарбия ишларини ўтказиши;

таълимниташкил этишнинг асосий шаклларини амалиётда қўллаши;

мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, ахборотларни тезлик билан англаш, ўзини-ўзи бошқара олиш, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллай олиши;

миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ асослари дарсларини замонавий таълим технологиялари асосида ўқитишни ташкил этиши;

жамият тараққиётининг муайян ғоя ва мафкуралар билан боғлиқлигини мафкуравий жараёнларнинг глобал, регионал ва локал хусусиятларини, Ўзбекистонда ғоявий таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот институционал тизимининг ривожланиш хусусиятларини билиши, малака ҳосил қилиши лозим.

**Ихтисослик фанлари блоки бўйича:**

Тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантириши;

маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш методикасини ўзлаштириш;

жамиятни инсонпарварлаштиришда маънавий-маърифий ишларнинг ўрнини англаши ва тушунтира олиши;

маънавий-маърифий фаолиятнинг моҳияти ва асосий йўналишлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифаларни билиши, малака ҳосил қилиши;

маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўя билиши амалда қўллай билиш кўникмасига эга бўлиши лозим.

Мафкуравий жараёнларнинг геостратегик асослари, категориялари, қонунлари, методлари ва функцияларини тизимли таҳлил қила билиши;

ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтиришда ҳуқуқий тарбиянинг ўрнини билиши ва асослай олиши;

ҳуқуқий тарбия назарияси ва амалиётининг ўзига хос хусусиятларини тушунтира олиши ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тарбияни олиб бориши;

миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар орқали ижтимоий воқеликка мустақил муносабатни шакллантириши;

қадриятлар тизими ва жамият ҳаёти барқарорлигини узвий алоқадорлиги ва таъсирлашуви жараёнларини фалсафий таҳлил қила билиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

Меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг ўзаро уйғунлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар асосида аудитория соатларининг машғулот турлари бўйича тақсимоти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

### 3.2 *5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* бакалавриат таълим йўналиши бўйича малакавий амалиётга қўйиладиган талаблар

- талабаларда томонидан эгалланган назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш;

- талабаларда касбий малака ва кўникмаларни таркиб топтириш, касбий муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш усуллари технологияси ва методологияси билан танишиш

- корхона, ташкилот ва муассасаларнинг илғор иш тажрибалари, бошқарув тизими, фан ва техника ютуқлари жорий этилиши даражаси билан танишиш ва ўрганиш

- касбий-профессионал фаолиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, психологик, педагогик ва бошқа жиҳатларини ўрганиш

- ички тартиб ва қоидалар ва меҳнат интизоми ва хафвсизлик қоидаларига риоя қилиш кўникмасини таркиб топтириш

- ишга ижодий ёндашиш кўникмаларини шакллантириш

- танланган касбига қизиқиш, фахрланиш туйғуларини ўстириш

Малакавий амалиётга бағишланган конференцияни ташкил этиш ва ўтказиш:

- амалиёт бўйича масъул шахслар билан танишиш, малакавий амалиётни ўташ даврида талабаларнинг бурчлари ва техника хавфсизлигини англаш;

- малакавий амалиёт тўғрисида умумий тушунча ва меъёрий ҳужжатлар мазмунини билиш;

- давлат ва нодавлат ташкилотларида малакавий амалиётни олиб борилишининг қоидаларини билиши;

- малакавий амалиётнинг битирув малакавий иши билан боғлиқлиги ҳамда битирув ишига тегишли фактологик материалларни йиғиш;

- йиғилган материалларни умумлаштириш ва назарий хулосалар чиқариш;

Республика маънавият ва марифат маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами ва уни расмийлаштириш қоидаларини билиши;

-Республика маънавият ва марифат маркази маркази томонидан амалга оширилаёган ишларнинг ҳужжатларини таҳ қилиши;

Республика маънавият ва марифат маркази бўлимларининг ҳужжатларини билиши ва таҳлил қилиш;

-Республика маънавият ва марифат марказининг ҳамкор ташкилотлар фаолияти билан танишиш.

Республика маънавият ва марифат марказининг ташкилий ва кадрлар масалалари бўйича иш фаолиятини билиши;

-хокимият тизимида қилинган ишлар мазмунидан келиб чиқиб битирув малакавий иши билан боғлиқ равишда мақола ёзиш (иншо, баён, эссе) каби билим, малака ва кўникмага эга бўлади.

**3.3. *5111600-Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими* бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқув режасидаги юклама ҳажми:**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| назарий таълим - | 56 %; |
| аттестация - | 11 %; |
| таътил- | 18 % |
| малакавий амалиёт - | 12 %; |
| якуний давлат аттестация | 3 % |

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар билим,” соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| Гуманитар ва табиий-илмий фанлар | 21 %; |
| Умумкасбий фанлар | 49 %; |
| Ихтисослик фанлар | 24 %; |
| Қўшимча фанлар | 6 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 12 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

Гуманитар билим, табиий-илмий, умумкасбий, ихтисослик, умукасбий фаолият, компетенция, малака, кўникма, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, касбий мослашув, бакалавриат, миллий ғоя, маънавият, ҳуқуқ таълими, педагогика, психология, тарғибот, оила маънавияти, глобаллашув, ўқув дастур, ўқув режа, юклама, бакалавриатнинг таълим дастурлари (бакалавриат дастури),ўқув-ўрганиш натижалари,

**_5111600 - Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими_ бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Фанлар блоклари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1273** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.06 | Хорижий тил | 239 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.08 | Ижтимоий соҳада информатика ва замонавий ахборот технологиялари | 136 |
| 1.09 | Хаёт фаолияти хавфсизлиги | 136 |
| 1.10 | Ёш физиологияси ва гигиенаси | 136 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3063** |
| 2.01 | Миллий ғоя тарихи ва назарияси | 260 |
| 2.02 | Маънавиятшунослик | 262 |
| 2.03 | Оила маънавияти | 119 |
| 2.04 | Геосиёсат асослари | 262 |
| 2.05 | Этномаданият | 196 |
| 2.06 | Миллий ғоя тарғиботи технологиялари | 132 |
| 2.07 | Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ фанларини ўқитиш методикаси | 188 |
| 2.08 | Ижтимоий фалсафа | 136 |
| 2.09 | Глобаллашув асослари | 86 |
| 2.10 | Давлат ва хуқуқ назарияси | 198 |
| 2.11 | Конституциявий хуқуқ | 132 |
| 2.12 | Маъмурий хуқуқ. | 132 |
| 2.13 | Жиноят хуқуқи | 132 |
| 2.14 | Фуқаролик хуқуқи | 266 |
| 2.15 | Меҳнат хуқуқи | 132 |
| 2.16 | Умумий психология ва педагогика | 240 |
|  | *Танлов фанлари* | *190* |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1479** |
| 3.01 | Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси | 149 |
| 3.02 | Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар | 202 |
| 3.03 | Аксеология | 184 |
| 3.04 | Тадбиркорлик хуқуқи | 158 |
|  | *Танлов фанлари* | *786* |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | 395 |
|  | **Жами** | 6210 |
|  | **Малакавий ва педагогик амалиётлар** | **1350** |
|  | **Якуний давлат аттестацияси** | 324 |
|  | **Аттестациялар** | **1188** |
|  | **Жами** | **2862** |
|  | **ҲАММАСИ** | 9072 |

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор____________**проф. А.Р.Марахимов**

201_9_ йил «_04_» ___08___

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази

Директор____________**З.Хакимов**

201_9_ йил «_15_» ___08___

М.Ў.

**Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти**

**Ректори**____________ **Г.Мухаммедов**

201_9_ йил «_25_» ___08___

М.Ў.

**Республика Маънавият ва маърифат маркази**

Раҳбари ______**А.К.Кадиров**

201_9_ йил «_15_» ___08___

М.Ў.

## Ижодий гурух раиси ва аъзолари

## Ижодий гурух раиси ва ўринбосари

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ижодий гурух раиси | Х. Тўхтаев | Ижтимоий фанлар факультети декани | |
| Ижодий гурух раиси ўринбосари | О.Мухаммадиева | Миллий ғоя кафедраси мудири | |

## Ижодий гурух аъзолари

| Т/р | Ўқув фанлари (курслар)ининг номи | Таянч ОТМдан | | Турдош ОТМдан, асосий кадрлар истеъмолчиларидан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо | Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
| | Миллий ғоя тарихи ва назарияси | Мухаммадиева О.М. Фалсафа фанлари номзоди, доцент | | Абдураҳмонова Жумагул Тарих фанлари номзоди | |
| | Маънавиятшунослик | Худойназаров С. Фалсафа фанлари номзоди, доцент | | Абдураҳмонова Жумагул Тарих фанлари номзоди | |
| | Оила маънавияти | Агзамходжаева С Фалсафа фанлари доктори, профессор | | Хусанов Баходир Фалсафа фанлари номзоди, доцент | |
| | Геосиёсат асослари | Хужаев М. Фалсафа доктори (PhD) | | Носиров Отабектарих фанлари номзоди, доцент | |
| | Этномаданият | Худойназаров С. Фалсафа фанлари номзоди, доцент | | Хусанов Баходир Фалсафа фанлари номзоди, доцент | |
| | Миллий ғоя тарғибот технологиялари | Эргашев И.Э. сиёсий фанлар доктори, профессор | | Абдураҳмонова Жумагул Тарих фанлари номзоди | |
| | Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси | Мухаммадиева О.М. Фалсафа фанлари номзоди, доцент | | Абдураҳмонова Жумагул Тарих фанлари номзоди | |
| | Ижтимоий фалсафа | Тўйчиев Б Фалсафа фанлари доктори, профессор | | Хусанов Баходир Фалсафа фанлари номзоди, доцент | |
| | Глобаллашув асослари | Юсубов Ж Фалсафа доктори (PhD) | | Носиров Отабектарих фанлари номзоди, доцент | |

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 5111600-Миллий ғоя, маънвият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

# КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. "15" 08 2019 йил

Биз қуйида имзо қўювчилар Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари А.Кадиров, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқув ишлари бўйича ректори А.Мараҳимов ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ректори Г.Мухаммедовлар Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, халқ таълими вазирлиги ходимлари ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор ўқитувчилари биргаликда "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг классификатори"га мувофиқ **5111600-Миллий ғоя, маънвият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари** ва ўқув режаларини ишлаб чиқилганлиги, муҳокама қилинганлиги ҳамда ушбу ишлаб чиқилган малака талаби ва ўқув режанинг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

**5111600-Миллий ғоя, маънвият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавриат таълим йўналиши** бўйича малака талабларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари: Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида"ги 66-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 1 мартдаги "Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида"ги 89-сонли буйруғи ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон Қарори, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий

университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон Қарори; 2019 йил 17 июндаги “2019-2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сонли Қарори.

Малака талаблари магистратура мутахассислиги учун ўқув режалари ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган Малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

**Ўзбекистон Миллий университети ректори** **А.Мараҳимов**

**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари** **А.Кадиров**

**Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ректори** **Г.Мухамедов**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг “Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар” ўқув-услубий бирлашмасининг _____-сонли**

**МАЖЛИС БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

“10” 08 2018 йил **Тошкент шаҳри**

**Қатнашдилар: Бирлашма раиси** – Г.Мухаммедов –Тошкент вилояти Чиричиқ давлат педагогика институти ректори; А.Марахимов - ЎзМУ ректори, Д.Джумабаев – ЎзМУ проректори, Ғ.Эшонкулов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи, Н.Мажидов – ЎзМУ магистратура бўлими бошлиғи, Д.Толипов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи муовини, ўқув ишлари бўйича декан муовинлари, кафедра мудирлари, сифат комиссияси раислари, Турдош ОТМ вакиллари - ТерДУ, ҚарДУ, СамДУ, ФарДУ, НамДУ, ГулДУ, АндДУ, ҚҚДУ, ЎзДСМИ - жами 24 нафар вакил ҳамда 34 нафар ЎМБ вакиллари.

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4359-сонли қарорлари ҳамда олий таълим соҳасига оид ва тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди:**

**1. Ўқув-услубий бирлашма раиси Г.Мухаммедов:** Ҳурматли мажлис қатнашчилари, кун тартибидаги масала бўйича сўзни ЎзМУ магистратура бўлими бошлиғи Н.Мажидовга берсак. Марҳамат.

**2. ЎзМУ ўқув-услубий бошқарма бошлиғи Ғ.Эсонқулов:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини

